



Тошкент шаҳар мажбурий даволаш  
наркологиya шифохонаси Бош шифокори

Н.Н.Адилова

«15» март 2022 йил

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Хизматлар ҳажми** – Чойшабларнинг тахминий ҳажми: 300 кг. Чойшабларни олиш ва етказиб бериш ҳар куни амалга оширилиши керак.

**Хизмат кўрсатиш қиймати** – 1 кг чойшаб учун 13 000,00 сўм.

**Хизмат кўрсатиш шартлари (даврлари):** шартнома тузилган пайтдан бошлаб 2022-йил 31-декабргача.

**Хизмат кўрсатиш жойи:** Чойшабларни олиш ва етказиб бериш (ҳисоб-фактуралар кўчирмаси билан) Ижро этувчи томонидан Буюртмачининг манзили бўйича амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси – 4.

**Сифат ва ишончилиққа бўлган талаблар:** Ювиш учун фақат барча зарур санитария меъёрларига жавоб берадиган юқори сифатли кимёвий ва тозалаш воситаларидан фойдаланиш. Ювилгандан сўнг, чойшаблар одамлар учун хавфсиз бўлиши керак. Ижро этувчининг айби билан йўқолган чойшабнинг қийматини қайтариб бериш Ижро этувчи томонидан чойшабни қайта ишлаш учун топшириш вақтида эскириш даражаси ва нуқсонлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда сотиб олинган товарларнинг нархлари бўйича амалга оширилади. Чойшабни ювиш сифати Буюртмачини қониқтирмаса, Ижро этувчи хизмат ҳақини қайта ундирмасдан чойшабни қайта ишлашга мажбурдир. Ижро этувчи хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилган ҳолда хизматнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаши шарт (чойшаб биологик субстратлардан ювилиши керак). Ювилмаган қон доғлари бўлган, бегона хидлар мавжуд бўлган, шунингдек, ёмон ювилган чойшаблар Ижро этувчига қайтарилди ва Ижро этувчи ҳисобидан 2 кун ичида ювилади. Хизматлар қуйидаги меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилади:

Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги ЎРҚ-393 - сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни; СанПиН 0342-17-сонли “Қасалхона ичидаги инфекцияларни олдини олиш” - О’зDSt 995:2001 “Хизматлар. Асосий қоидалар”.

Бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоблар қуйидаги шароитлар бажарилганда 1 кг қуруқ кир қийимнинг оғирлиги бўйича ассортиментда амалга оширилади:

- хизмат муддати 4 дан 8 соатгача, шошилишч ювиш режимида, хафтада 7 кун, дам олиш кунларисиз амалга оширилади.

- дам олиш ва байрам кунларида хизматлар кўрсатиш нархини ўзгартирмаган ҳолда хизматлар кўрсатиш.

- кийим тоза, доғсиз, дазмолланган бўлиши керак.

- дазмоллашдан кейинги кийимлар курук, яхши дазмолланган, ажинларсиз, бурмаларсиз ва 2 матоларнинг хиралашувисиз бўлиши керак.

- кийимни юклаш, ташиш, тушириш ва қаватга кўтариш Ижро этувчи томонидан ўз маблағлари ва Ижро этувчининг ўз кучлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижро этувчи чойшабнинг шикастланиши ва йўқолиши учун унинг тўлик нархини қоплаш орқали, эскириш фоизини ҳисобга олган ҳолда жавобгар бўлади. Чойшабнинг шикастланиши ёки йўқолиши факти иккала томон вакиллари томонидан далолатнома тузиш орқали аниқланади. Чойшаб шикастланган, алмаштирилган ёки йўқолган тақдирда, Ижро этувчи чойшабнинг қолдиқ кийиматини қоплайди ва (ёки) шикастланган чойшабни алмаштиради.

**Қадоқлашга бўлган талаблар:** Ювиш ва дазмоллашдан сўнг, чойшабларни буклаш ва қадоқлаш керак. Чойшаблар турига кўра таснифланиши керак.

**Гигиеник талаблар:** Кир ювиш хонаси жойлашуви технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) назарда тутиши керак, тоза ва кир чойшаб оқимларининг кесишишига йўл қўйилмайди. Кир ювиш хонасида бир-биридан аниқ ажратилган иккита бўлинма бўлиши керак: тоза ва кир. Ювиш эритмаларини тайёрлаш учун воситалар уларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлиши керак. Ювиш эритмаларини тайёрлаш реактор хонасида тасдиқланган чойшабларни ювиш технологиясига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади. Чойшабларни ювиш жойлари тоза сақланиши керак. Барча хоналарни нам тозалаш ҳар кун амалга оширилади. Умумий тозалаш ҳар ойда бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекциялаш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекциялаш воситалари қўлланилади. Кир ва тоза кийимни тўғридан-тўғри полда сақлашга йўл қўйилмайди. Тоза чойшабни тарқатиш факат қадоқланган ҳолатда амалга оширилади. Автотранспорт воситалари, махсус аравалар ва тоза кийимларни ташиш учун мўлжалланган бошқа қурилмалар дастлабки дезинфекциядан ўтказилади.